

# «Шоиру шеър у шуур»

Шу кунларда мамлакатимизнинг барча ху­дудида Ўзбекистон Қахрамони, Ўзбекистон Республикаси халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган маънавий-маърифий тадбирлар, ижодий учрашувлар, адабий кечалар бўлиб ўтмоқда.

## ЭЪЗОЗ

Мазкур анжуманларда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарори замонавий ўзбек адабиётининг йирик вакили ижодий меросини кенг ўрганиш, унинг мазмун-моҳиятини ёш авлодга етказишда муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланаяпти.

Ана шундай тадбирлардан бири Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ўтказилди. “Шоиру шеър у шуур” мавзуида уюштирилган мазкур анжуманда адабиёт ихлосмандлари, олимлар, ёзувчи ва шоирлар, талаба-ёшлар иштирок этди.

Эркин Воҳидов ўзининг сермазмун, бадиий юксак шеър ва дostonлари, драматик асарларида она юртимиз ва халқимизга, миллий қадриятларимизга меҳр ва садоқат туйғусини катта маҳорат билан мадҳ этди. Унинг бетакрор ижоди миллий руҳи ва халқчиллиги, ҳаётйлиги билан адабиётимиз хазина­сидан муносиб ўрин эгаллади.

Атоқли шоир ярим асрдан зиёд ижодий фаолияти давомида ўнлаб шеър­ий тўпламлари, “Нидо”, “Куёш маскани”, “Рухлар исёни”, “Кўҳинур” каби дostonлари, “Олтин де­вор”, “Истанбул фожиаси” сингари сахна асарлари, “Сўз латофати” бадиий рисо­ласи, жаҳон адабиётининг Ҳофиз Шерозий, Мирзо Бедил, Гёте, Сергей Есенин каби мумтоз

намояндалари меросидан қилган таржималари билан ўзига хос ижодий мактаб яратди. Унинг турли жанрдаги ўнлаб асарлари дунёдаги кўплаб тилларга таржима қилинди.

Мустақиллик йилларида шоирнинг ижодий ва иж­тимоий фаолияти янада ёрқин намоён бўлди. Ватанимиз озодлигини, халқимизнинг эркин, обод ва фаровон ҳаётини таран­нум этадиган, инсон қад­р­қимматини улуғлайдиган бир қанча янги шеър­ий асарлари, она тилимиз, миллий қадриятларимиз, буюк аждодларимиз ме­росини асраб-авайлашга бағишланган китоблари, бунёдкор замондошлари­нинг фидокорона меҳна­ти, юртимиздаги улкан ис­лоҳот ва ўзгаришлар ҳақида­ги публицистик мақолалари кенг жамоатчилик ўртасида катта қизиқиш уйғотди.

— Эркин Воҳидов қаламига мансуб кўплаб асарлар халқимизнинг маънавий мулкига айлан­ган, — дейди адабиётшу­нос О. Мадаев. — Таниқли сўз заргари қолдирган бой маданий мерос ҳали яна кўп асрлар давомида ёш авлод тарбияси, уларнинг маънавий юксалишида муҳим ўрин тутди.

Анжуманда шоир ижо­дига бағишлаб ўқувчи­ёшлар томонидан тайёр­ланган адабий-бадиий композиция намоиш этилди. Унинг доира­сида ташкил қилинган “Ўзбекистон, ўзбегим” мавзуидаги кўргазма ҳам барчада катта таассурот қолдирди.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.